

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

5 декабрь 2017 й.г.

№ 964

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли,
биринчи навбатда, ёшлар ва хотин қизлар бандлигини таъминлашга
доир фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармони билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш комплекс чора-тадбирлари дастурини бажариш ҳамда аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича амалга оширилаётган ишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва меҳнат органларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг:

аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмини;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларини ишсизларни ва банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштиришда фаол кўмаклашганлиги учун моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда у 2018 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳар бир органини, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг туман (шаҳар) бўлинмаларини бутунжаҳон Интернет тармоғига улаган ҳолда компьютер билан ҳамда Бўш иш ўринларнинг миллий базасидан фойдаланиш имконини берадиган конфигурация билан жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар кўрсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги уч ой муддатда аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларини Бўш иш ўринлари миллий базасига бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва фуқароларни ишга жойлаштириш тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштириш учун Бўш иш ўринлари миллий базасидан фойдаланиш кўникмаларига ўқитишни таъминласин.

5. Фуқароларни ишга жойлаштирилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш тўғрисидаги маълумотлар билан тасдиқланган тўловларни амалга ошириш, шунингдек, Бўш иш ўринлари миллий базасига микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларидаги, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ҳунармандлардаги бўш иш ўринларининг мавжудлиги тўғрисидаги ишончли маълумотларни киритиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизими 2018 йил 1 апрелдан бошлаб жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А.Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 5 декабрдаги
964 - сон қарорига
илова

**Аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига қўмаклашиш
масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон
ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси туман (шаҳар)
бўлинмалари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига қўмаклашиш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш (кейинги ўринларда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби деб аталади) тартибини ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишга жойлаштириш бўйича агент – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси туман (шаҳар) бўлинмаларининг аҳолини ишга жойлаштиришда қўмаклашувчи ходимлари;

автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда "Ишга жойлаштириш" ААТ деб аталади) – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "Ишга жойлаштириш" автоматлаштирилган ахборот тизими, у ишга жойлаштириш бўйича агентлар билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари (кейинги ўринларда АБКМ деб аталади) аҳолини ишга жойлаштириш ишларини амалга ошириш доирасида ўзаро ҳамкорлик қилишни таъминлаш имконини беради;

Бўш иш ўринлари миллий базаси (кейинги ўринларда бўш иш ўринлари деб аталади) – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг онлайн базаси.

3. Ишга жойлаштириш бўйича агентлар АБКМ билан тузилган битимлар асосида аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизларни қуйидаги йўллар билан ишга жойлаштиришга қўмаклашиш ишларини амалга оширадilar:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли ҳудудий органларида (кейинги ўринларда ФЎО деб аталади) яшайдиган ва ишга жойлаштиришга мухтож бўлган шахсларни, шунингдек, салоҳиятли иш берувчиларни, биринчи навбатда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жумласидан бўлган иш берувчиларни ҳисобга олиш бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини ташкил қилиш;

бўш иш ўринлари базасига микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларидаги, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва хунармандлардаги бўш иш ўринларининг мавжудлиги тўғрисидаги ишончли маълумотларни киритиш.

4. Аҳолини ишга жойлаштиришга кўмаклашганлик учун битимлар тузган ишга жойлаштириш бўйича агентларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар (кейинги ўринларда тўловлар деб аталади) амалга оширилади.

5. Тўловлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан меҳнат бозоридаги реал вазиятдан ва республиканинг ҳар бир аниқ тумани (шаҳри)даги бандлик динамикасида келиб чиққан ҳолда, лекин қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

6. Иш кидирувчи шахслар жумласига 16 ёшдан бошлаб, ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади) эга бўлмаган, тегишли ФҶО ҳудудида яшайдиган, "Ишга жойлаштириш" ААТга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бўлинмаларига мурожаат қилган шахслар қиради.

2-боб. Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича ишларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби

7. Ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби "Ишга жойлаштириш" ААТ асосида таъминланади.

8. АБКМ томонидан ишга жойлаштириш бўйича агентга тегишли рўйхатдан ўтказишдан кейин "Ишга жойлаштириш" ААТдан фойдаланиш имконияти берилади, ушбу имконият уларга қуйидаги ҳуқуқларни беради:

бўш иш ўринлари базасидан, шу жумладан бўш иш ўринлари базасидаги вакансиялар тўғрисидаги ахборотни киритиш, ўзгартириш ва чиқариш имкониятидан фойдаланиш;

ишсизларни ва банд бўлмаган шахсларни ишга жойлаштиришга йўлланмани расмийлаштириш.

9. "Ишга жойлаштириш" ААТдан фойдаланиш учун ишга жойлаштириш бўйича агентлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни АБКМга қуйидаги мақсадда тақдим этади:

АБКМ билан ишга жойлаштириш бўйича агентлар ўртасида битим тузиш;

"Ишга жойлаштириш" ААТга ишга жойлаштириш бўйича агентлар тўғрисидаги асосий маълумотларни (Ф.И.О., лавозими ва иш жойи, паспортининг рақами, СТИР, телефон рақами ва электрон почта манзилини) киритиш.

Рўйхатдан ўтказиш ва бўш иш ўринлари базасидан фойдаланиш учун ишга жойлаштириш бўйича агентлар мажбурий тартибда электрон рақамли имзони расмийлаштирадilar.

10. Ишга жойлаштириш бўйича агентлар томонидан "Ишга жойлаштириш" ААТга ва бўш иш ўринлари базасига ишга жойлаштиришга мухтож бўлган ишсизлар ва банд бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотларни киритиш қуйидаги мажбурий тартиботларни ўз ичига олади:

ишга жойлаштириш бўйича агентни идентификация қилиш (ЭРИ ва махфий код ёрдамида тизимга кириш);

иш қидираётган банд бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни, унинг Ф.И.О.сини, паспорти рақамини, СТИРни, яшаш манзилини, жинси, туғилган санаси ва жойи, оилавий аҳволи, қарамоғидегиларнинг мавжудлиги, таълим бўйича олинган маълумоти, малакаси ва олдинги меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни киритиш;

иш берувчилардан олинган бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш, унда аниқ бўш лавозим, меҳнат шароитлари, иш ҳақи миқдори, маълумоти даражасига нисбатан талаблар, малакаси, иш тажрибаси, шунингдек, ташкилотнинг мажбурий тартибда СТИР аниқ кўрсатилади.

11. Ишга жойлаштириш бўйича агентлар томонидан "Ишга жойлаштириш" ААТга ва бўш иш ўринлари базасига ишга жойлаштиришга мухтож бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг, шунингдек, бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг тўғри киритилганлиги текширилади ва белгиланган тартибда АБКМнинг масъул ходими томонидан тасдиқланади.

12. Бўш иш ўринлари базасида мавжуд бўлган ишга жойлаштиришга банд бўлмаган шахсни юборишни расмийлаштириш "Ишга жойлаштириш" ААТга киритилган маълумотларга мувофиқ автоматик равишда генерация қилинади, сўнгра бўш иш ўрни беш иш куни мобайнида (ишга жойлаштиришга берилган йўлланманинг амал қилиш санасига) захира қилиб қўйилган ҳисобланади.

Ишга жойлаштиришга берилган йўлланма бўйича ишга қабул қилинган тақдирда ишга жойлаштириш бўйича агент бўш иш ўринлари базасига ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг тартиб рақамини киритиши шарт, унда ишни бошлаш санаси кўрсатилади ҳамда шу вақтдан бошлаб бўш иш ўрни тўлдирилган ҳисобланади ва бўш иш ўринлари базасидан чиқарилади.

Кейинги беш кун мобайнида ишга қабул қилиш тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда ишга жойлаштиришга йўлланма автоматик равишда ўз кучини йўқотади, бўш иш ўрни эса такроран бўш иш ўринлари базасига киритилади.

13. Банд бўлмаган шахсни ишга жойлаштиришнинг ҳаққонийлиги ишга жойлаштириш бўйича агент томонидан "Ишга жойлаштириш" ААТда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг ҳар ойда тўлангани тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органларидан мунтазам равишда олинган маълумотлари асосида автоматик равишда аниқланади. Бунда агар суғурта бадаллари ишга қабул қилиш тўғрисидаги ахборот "Ишга жойлаштириш" ААТга киритилган санадан бошлаб камида олти ой мобайнида тўланган тақдирда, ҳар ойлик суғурта бадаллари эса қонунчиликда белгиланган миқдорлардан кам бўлмаган суммада тўланган тақдирда банд бўлмаган шахс ишга жойлаштирилган ҳисобланади.

3-боб. Ишга жойлаштириш бўйича агентларни моддий рағбатлантириш

14. Ишга жойлаштириш бўйича агентларга рағбатлантирувчи тусдаги тўлов ишга жойлаштириш бўйича агент томонидан қуйидагилар таъминланган тақдирда амалга оширилади:

"Ишга жойлаштириш" ААТга ва бўш иш ўринлари базасига микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларидаги, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ва хунармандлардаги бўш иш ўринларининг мавжудлиги тўғрисидаги ишончли маълумотлар киритилган бўлса, кейинчалик банд бўлмаган шахс кўрсатилган бўш ўринга ишга жойлашса – ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ белгиланган тўлов суммасининг 100 фоизи миқдорида;

банд бўлмаган шахс мавжуд бўш иш ўринлари базасида ишга жойлаштирилганда, кўрсатиб ўтилган бўш иш ўрнига киритиш ишга жойлаштириш бўйича агентнинг иштирокисиз амалга оширилган бўлса – ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ белгиланган тўлов суммасининг 70 фоизи миқдорида;

бўш иш ўринлари базасига бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги ишончли маълумотлар киритилганда, бунда банд бўлмаган шахсни кўрсатилган бўш иш ўрнига ишга жойлаштириш бўйича агентнинг иштирокисиз амалга оширилганда - ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ белгиланган тўлов суммасининг 30 фоизи миқдорида тўланади;

юқорида кўрсатилган барча ҳолатларда тўловлар бўш иш ўрнига ишга жойлаштирилаётган шахс ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган муддатга мувофиқ тўлаганда амалга оширилади.

15. Ишга жойлаштириш бўйича агентга тўловлар қуйидаги ҳолатларда амалга оширилмайди:

бўш ўринлар базасига белгиланган тартибга мувофиқ бўш иш ўринлари базасига киритиш учун тегишли маълумотларни мажбурий тартибда тақдим этиши керак бўлган ташкилотлар бўйича бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилганда;

"Ишга жойлаштириш" ААТга айнан у ёки бу шахс такроран ҳар хил ташкилотларга олдинги ишга жойлаштирилган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида такроран ишга жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ахборот ёхуд айнан у ёки бу ташкилотдаги турли лавозимларга бир неча марта ишга жойлаштирилганлиги тўғрисидаги ахборот киритилганда;

банд бўлмаган шахслар тегишли маълумотларни бўш иш ўринлари базасига киритмасдан ишга жойлаштирилганда ёхуд маълумотлар амалда ишга жойлаштирилгандан кейин киритилганда.

4-боб. Якунловчи қоида

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга
1-илова

**Аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш масалаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш
ТАРТИБИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич (фойдаланишга буюртманом)	Ишга жойлаштириш бўйича агентлар	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига зарур ҳужжатларни тақдим этиш	Хохшига кўра
2-босқич (фойдаланиш имконини бериш)	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	Тегишли рўйхатдан ўтказишдан кейин "Ишга жойлаштириш" ААТдан фойдаланиш имкониятини ишга жойлаштириш бўйича агентларга бериш	3 иш куни мобайнида
3-босқич (маълумотларни киритиш)	Ишга жойлаштириш бўйича агентлар	1. Банд бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни киритиш. 2. Иш берувчилардан бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида олинган маълумотларни киритиш	Доимий асосда
4-босқич (текшириш ва тасдиқлаш)	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази	Ишга жойлаштиришга мухтож, банд бўлмаган шахслар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш	Доимий асосда
5-босқич (ишга жойлаштириш)	"Ишга жойлаштириш" ААТ	Банд бўлмаган шахсни бўш иш ўринлари базасидаги мавжуд ўринга ишга жойлаштиришга йўлланмани расмийлаштириш	Доимий асосда
6-босқич (ишга жойлаштириш факти)	"Ишга жойлаштириш" ААТ	Банд бўлмаган шахсни ишга жойлаштириш бўйича агент томонидан ишга жойлаштириш фактининг ишончлилигини тасдиқлаш	Доимий асосда
7-босқич (агентга рағбатлантирувчи тусдаги тўлов)	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари	Ишга жойлаштирилаётган шахс томонидан ҳар ойлик суғурта бадаллари тўланган тақдирда ишга жойлаштириш бўйича агентга рағбатлантирувчи тусдаги тўловни амалга ошириш	Ойнинг 5-кунигача

**Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида
МАЪЛУМОТ**

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-кизлар қўмитаси
туман (шаҳар) бўлинмасининг номи

[illegible]

суммаси - рақамда ва ёзма шаклда

Аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси туман (шаҳар) бўлинмалари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Низомга

3-илова

Аҳолини бандликка кўмаклашиш маркази номи

**Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида
МАЪЛУМОТЛАР**

бўйича

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси
туман (шаҳар) бўлинимасининг номи

(Ишга жойлаштириш бўйича агентнинг Ф.И.О.)

[illegible]

Жами тўловлар:

суммаси рақамда ва ёзма шаклда

**Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси
туман (шаҳар) бўлимасининг номи

[illegible]

суммаси - рақамда ва ёзма шаклда